

Харфларнинг махражлари

Махражнинг лугавий маъноси, бир нарсанинг чиқиш жойидир.

Истилоҳда эса, харфнинг чиқиш ва бошқасидан ажралиш жойидир.

Араб тилидаги харфлар йигирма тўққизта бўлиб, Халил ибн Ахмад ва Ибни Жазарийларнинг кавлига кўра,

ўн

еттита махраж

дан чиқади. Сибавайх ва Шотибий махражларни

ўн олтита

дейишган. Улар

жавф

(огиз бўшлиги) махражини тушириб, ундаги харфларни бошқа ердаги махражларга тарқатишган. Масалан,

□

нинг махражи тилнинг ўртасида, дейишган. Фарро

ва Кутрублар эса махражларни

ўн тўртта

дейишган. Улар ҳам

жавф

махражини тушириб

□ - □ -□

махражларини битта қилишган. Амалда эса биринчи қавл, яъни махражни

ўн еттита

эканлиги олинган.

Махражни билиш

Бирорта харфнинг махражини билиш учун ўша харфни сукунли ёки ташдидли килинади ва олдига алифни ёки бошка хохлаган харфни харакатли ҳолатда кўйиб, нутк килиб кўрилади. Шунда овоз каерда тугаса, ўша ер махраж бўлади.

Ушбу ўн еттита махраж бешта аъзода жойлашган бўлиб, улар:

1. Жавф - огиз бўшлиги. Унда битта махраж бор.

2. Халк – халкум. Унда учта махраж бор.

3. Лисан – тил. Унда ўнта махраж бор.

4. Шафатайн - икки лаб. Унда иккита махраж бор.

5. Хойшум – димог. Унда битта махраж бор.

Огиз бўшлиги

Огиз бўшлигида битта махраж бўлиб, ундан учта мад харфлари чиқади. Яъни □ ўзидан аввалги харф фатхали бўлганида,

□

ўзидан аввалги харф заммали бўлганида,

□

ўзидан аввалги харф касрали бўлганида мад харфлари чиқади. Бу харфлар мад, жавф ҳамда хаво харфлари деб аталади.

Мад

(чўзик) дейилишининг сабаби, ушбу харфлар халкумнинг паст кисмидан бошлаб огизнинг охиригача давом этади ва огиз ичида бирор нуктага суянмайди . Шу сабабдан хар канча чўзилиши мумкин. Огиз бўшлигидан чикканлини учун,

жавф харф

лари дейилади.

Хавоий

дейилишининг сабаби, огизда хаво билан чикканлиги учундир. Бу харфларни огиз бўшлигидан чиқиш шарти, ўзи сукунли бўлиб, ундан аввалги харфнинг ҳаракати ўзига мос бўлишидир. Агар аввалги харфнинг ҳаракати ўзига мос бўлмаса

□

икки лабдан

□

эса тил ўртасидан чиқади.

Халкум

Халкумда учта махраж бор:

1. Халкумнинг энг туби, кўкрақдан кейин келадиган ер ва ундан иккита харф **□** ва **□** чикади.
2. Халкумнинг ўртаси. Ундан иккита харф **□** ва **□** чикади.
3. Халкумнинг юкориси, огизга уланган жойи, ундан ҳам иккита харф **□** ва **□** чикади.

Бу харфлар халкумдан чикганлиги учун халкий харфлар деб аталади.

Тил махражлари

Тилда ўнта махраж бўлиб, улар билан танишишимиздан аввал тилни харф махражларида иштирок этадиган қисмларини айтиб ўтамиз.

1. Тилнинг энг охири туби халкумга яқинроқ ери.

2. Тилнинг ўртаси.

3. Тилнинг чети.

4. Тилнинг учи.

Тилдаги биринчи махраж **а** махражи бўлиб, тилнинг туби ва унинг тўғрисидаги тепа танглайдан чиқади. Бу икки харф **а** лахавия деб аталади. Лах а кичик тил деганидир. Бу харфлар тил яқинидан чикканлиги учун шундай деб аталади.

Иккинчиси **о** махражи. Ушбу харф тилнинг туби **о** нинг махражидан сал бериюқдан чиқади.

Учинчиси тил ўртаси бўлиб, ундан ва унинг рўпарасидаги танглайдан учта **о** -**о** -**о** харфлари чиқади. Булар шажр (танглай билан тиш орасидаги бўшлиқ) га нисбат берилиб, шажрия харфлари деб аталади. Эътибор беришимиз керак бўлган нарса бу ердаги **о** харфи мад эмас, балки харакатли ёки фатхадан кейин сукунли бўлган ёдир. Мадли ёд эса айтиб ўтганимиздек огиз бўшлигидан чиқади.

Колган махражларда тиш ҳам иштирок етгани учун, тишларнинг арабча атамаси билан кискача танишиб чиқамиз.

Тишларнинг адади ўттиз иккита бўлиб, ўн олтитаси тепада, ўн олтитаси пастда жойлашган бўлади. Улар куйидаги тартибда жойлашгандир:

1. Санийя – кўплиги санаая, курак яъни олд тиш дегани. Улар тўртта бўлиб, иккитаси тепада иккитаси пастда жойлашган.

2. Робаъийя – бу тиш, санаая тишларининг атрофидаги тўртта тишдир.

3. Наб - кўплиги аняаб, наб козик тиш бўлиб у ҳам тўрттадир. Наб робаъийядан кейин келади. Бундан кейинги тишлар озик тишлар бўлиб, адрос деб аталади. Биттаси дирс дейилади. Адрос ҳам бир неча турга бўлинади:

1. Доохик кўплиги довахик, булар набдан кейинги тишлар бўлиб, улар ҳам тўрттадир.

2. Тоохин кўплиги товахин, бу тишлар ўн иккита бўлиб, учтадан доохиклардан кейин жой олган озик тишлардир.

3) Наажиз кўплиги наваажиз, булар акл тишлар бўлиб, улар ҳам тўрттадир.

Бу тишлардан ўн саккизтаси махражларда ишлатилади. Улардан ўн олтитаси тепадаги тишлар ва иккитаси пастки санаая тишлардир.

Тилдаги тўртинчи махраж □ харфининг махражидир. Бу харфни тилнинг ўнг ёки чап тарафини тепа адрос тишларига теккизиб чикарилади. Ўнг тарафдан чикариш кийинрок, чап тарафдан чикариш осонрокдир. Икки тарафдан чикариш эса яна ҳам кийинрок ва азизрокдир. Айтишларича, Умар розияллоху анху икки тарафдан чикарган эканлар.

Бешинчиси □ нинг махражидир. Ломни тилнинг олд ёнини, тўгрисидаги юкори тишлар милкига теккизиб чикарилади.

Олтинчиси □ нинг махражи бўлиб, у тилни учи ва унинг тўгрисидан юкори санаая тишларининг милкидан □ махражининг тагрогидан чикади.

Еттинчиси □ махражидир. Тил учи бир оз тил юзасига кириб, юкори санаая тишлар милкидан □ махражининг пастрогидан чикади. Ушбу охирги учта харф тилнинг учидан чиккани учун □ залакийя (залак тилнинг учи, ўткир жойи) деб аталади.

Саккизинчиси **н** - **њ** -**џ** махражи. Бу харфлар тил учи ва юкори саная тишларининг тубидан чикади ва **натъийя** харфлари деб аталади. Натъ танглайнинг олд кисмидир.

Тўккизинчи махраждан **т** -**џ** -**џ** харфлари чикади. Буларнинг чикиш жойи тил учи хамда тепа ва паст тишлар орасидир. Ушбу харфларнинг лакаби **асалийя** дир. Асала эса тилнинг учидир.

Ўнинчи махраж **ў** -**џ** - **џ** харфларининг махражи бўлиб, улар тил учи ва юкори санаая тишларининг учидан чикади. Бу харфлар милкка якин бўлгани учун **лисавийя** (лисса милк) деб аталади.

Икки лабдаги махражлар

Лабда иккита махраж бор.

Биринчиси □ харфининг махражи. Уни пастки лабнинг ичига юкори санаая тишларнинг учини теккизиб чикарилади.

Иккинчиси □ -□ -□ харфларининг махражидир. □ мад бўлмаган холда икки лабни йигиштириб, юмалокрок шаклга келтириб, орасини бир оз очиб чикарилади.

□

□

харфларини эса икки лабни юмиб нутк килинади. Мана шу

лабдан чикадиган

тўртта харф

шафахийя

деб аталади.

Шафа

лаб деганидир.

Димог

Димогда битта махраж бўлиб, ундан гунна (ёкимли жарангли товуш) чикади. Гунна □ □ харфларига хосдир.

